# XALQ DEPUTATLARI BO‘STON TUMANI KENGASHINING
# Q A R O R I

2022 - yil 17 - oktabr VI-47-103-1-19-K/22 Bo‘ston tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12-октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4-мартдаги 48-сон “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижроси тўғрисида**

Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгаши Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан туманда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12-октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4-мартдаги 48-сон “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида Бўстон тумани махалла фуқаролар йиғинлари, кўчалар хамда бошқа объектларни номларини ўзгартириш хақидаги масалани ўрганиш мақсадида ишчи гурухи тузилиб, туман “География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияси” тақдим этган таклифлари ва вилоят “География объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси” ва экспертиза ҳулосаларига асосланиб, Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Андижон вилояти “География объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси”нинг Бўстон туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўчалар ҳамда бошқа объектларни номларини ўзгартириш ҳақидаги ҳулосаси ва туман ҳокимининг “Тумандаги айрим объектларни номини ўзгартириш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномасига биноан маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўчалар номини ўзгартириш” бўйича таклифи маъқуллансин.

2. Бўстон тумани “География объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси”нинг тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўчалар номини ўзгартириш бўйича таклифлари 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгаши доимий комиссияси аъзоларига:

- Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12-октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4-мартдаги 48-сон “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида депутатлик назоратини олиб бориш;

-Тумандаги бошқа географик объектларни номларини ўрганиб бориш ва таклифларини бериш тавсия этилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари В.Солиев, туман молия бўлими мудири И.Хожиакбаровга номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинлари рўйхатдан ўтказиш, маҳалла мухрини ўзгартиш ва кўчалар номларини ўзгартириш бўйича пешлавҳа (табличка) учун зарурий маблағлар сметасини ишлаб чиқиш топширилсин.

5. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Ш.Мамаризаев, Кадастрлар палатаси Бўстон туман филиали раҳбари О.Ахмаджоновга;

-Номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан маҳалла мухрини ўзгартиш борасида чоралар кўриш;

- Номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўчалар пештохига қўйилган номларни алмаштириш вазифаси топширилсин.

6. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (М.Очилдинова), “Бўстон” газетаси тахририяти (О.Сулаймонов)га мазкур қарорни матбуотда эълон қилиниши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Бўстон туман Кенгаши Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Сессия раиси** **S.A.NOSIROVA**

Xalq deputatlari Bo‘ston tuman
Kengashining
2022 yil 17 oktabrdagi
VI-47-103-1-19-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Бўстон тумани “География объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси” нинг тумандаги қуйидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўчалар номини ўзгартириш бўйича**

**Т А К Л И Ф Л А Р И**

| № | МФЙ номи | МФЙларнинг таклифдаги янги номи |
|---|---|---|
| 1 | Чорвадор | Обод |
| 2 | Тафаккур | Давлатобод |
| 3 | Чашма | Ховос |

| № | МФЙ номи | Кўчалар номи | Кўчаларнинг таклифдаги янги номи |
|---|---|---|---|
| 1 | Маориф | Бўз 30 йиллиги | Олтин водий |
| 2 | Бўстон | 8-март | Шодлик |
| | | Мактаб | З.М.Бобур |
| 3 | Тафаккур | Шаршара | Ватанпарвар |
| | | Шалола | Ифтихор |
| 4 | Нурафшон | Ёрдам | Ёрдам ариқ |
| 5 | Янги қишлоқ | Ахтачи | Узун кўча |
| 6 | Наврўз | Афсона | Бирдамлик |
| 7 | Гулшан | Янги обод | Намуна |
| 8 | Сарбон | Оқшом | Баркамол |
| | | Коинот | Истиқлол |